



THEORETICAL FUNDAMENTALS OF CONSTRUCTION DEVELOPMENT AND ITS SPECIFIC FEATURES

Temirova F. S.

Teacher, Karshi Engineering Economics Institute

Abstract

This article reveals the role of the country's construction industry in the economy, especially in the field of construction, to study in depth the theoretical and practical problems of the construction industry, to reveal its specific features and to find and implement solutions to problems in the industry. An analysis of the efficiency of investments in the construction sector was also conducted. Today, scientific and practical proposals have been developed to address the most pressing issues in the field of construction.

Keywords: construction companies, capital construction, construction and installation works, contract, design and survey works, construction network, fixed assets, reconstruction and repair customer, construction owner, contractor (general contractor).

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакат қурилиш тармоғининг муаммоли масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳамда соҳадаги муаммоли масалаларни ҳал этиш йўлларини топиш ва ҳаётга татбиқ этишнинг иқтисодиётда ва айниқса қурилиш соҳасидаги ўрни очиб берилган. Шунингдек, қурилиш соҳасида ўзлаштирилаётган инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилган. Бугунги кунда қурилиш соҳасидаги энг долзарб муаммолар ечимига доир илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация

В данной статье раскрывается роль строительной отрасли страны в экономике, особенно в сфере строительства, для углубленного изучения теоретических и практических проблем строительной отрасли, выявления ее специфических особенностей и поиска и реализации решений проблем в сфере строительства. промышленность. Также был проведен анализ эффективности инвестиций в строительный сектор. На сегодняшний день разработаны научно-практические предложения по решению наиболее актуальных вопросов в области строительства.

Kalit so'zlar: қурилиш ташкилотлари, капитал қурилиш, қурилиш монтаж ишлари, пудрат, лойиҳа-қидирув ишлари, қурилиш тармоғи, асосий фондлар, қайта қуриш ва таъмирлаш буюртмачи, қурилиш эгаси, пудратчи (бош пудратчи).



Ключевые слова: строительные организации, капитальное строительство, строительномонтажные работы, подряд, проектно-изыскательские работы, строительная сеть, основные средства, заказчик реконструкции и ремонта, заказчик строительства, подрядчик (генеральный подрядчик).

Республика иқтисодиёти тармоқлари қаторида қурилиш тармоғи нафақат иқтисодиётнинг асосий фондларини яратувчи участкаси сифатида, балки мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни ҳамда турли хусусиятларга эга бўлган ижтимоий соҳадаги долзарб вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин ва аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосан 2021 йилда Ўзбекистон Республикасида жами 107447,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан 106,8 % ни ташкил этди [9].

Қурилиш тармоғи маҳсулоти – мамлакатнинг хўжалик мажмуаси асосий фондларини ташкил қилувчи қурилиши тугалланган ва эксплуатацияга топширилган завод ва фабрикалар, темир ва автомобил йўллари, электр станциялар, ирригация каналлари, портлар, уй-жойлар ва бошқа объектлар ҳисобланади.

Қурилиш иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида миллий хўжаликнинг барча тармоқлари учун асосий фондларни яратишда иштирок этади. Ишга туширилган ва ўрнатилган тартибда қабул қилинган ишлаб чиқариш қувватлари ва ноишлаб чиқариш объектлари капитал қурилишнинг маҳсулоти ҳисобланади ҳамда улар ўзлаштириб борилиши билан асосий фондларга айланиб боради. Асосий ишлаб чиқариш фондлари мазмунига кўра техник, энергетик ва бошқа ускуналар билан жиҳозланган бино ва иншоотлардан иборатдир.

Қурилиш тармоғи умум ва махсус қурилиш, лойиҳа-қидирув ва илмийтадқиқот ташкилотларини, қурилиш бирлашмаларига кирувчи қурилиш саноати корхоналарини, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ)ни бажарувчи барча ташкилотлар фаолиятини бирлаштиради. Қурилиш ташкилотларига рўйхатдан ўтказилган ва қурилиши фаолияти учун лицензияга эга бўлган, шунингдек, буюртмачилар билан шартнома асосида ишларни бажарувчи барча мулк шаклларидаги юридик шахслар киради. Капитал қурилиш соҳасига, ўз маблағлари, қарз ҳамда давлат бюджети маблағлари манбалари асосидаги капитал қўйилмаларга эгалик қилувчи буюртмачилар фаолияти ҳам киради [5].

Қурилишнинг ривожланиши ва унинг самарадорлигини ошириш индустриализация асосида амалга оширилади. Унинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: қуриладиган бино ва иншоотларнинг йиғмалилигини ошириш мақсадида, технологик жараёнларнинг бир қисмини қурилиш майдонларидан заводларга кўчириш; бино ва иншоотларнинг технологик лойиҳа ечимларини яхшилаш, уларни кейинчалик бир шаклга келтириш ва унификациялаштириш; механизациялаштирилган тарзда заводларда ёки қурилиш ташкилотининг ёрдамчи цехларида қурилиш конструкциялари, буюмлари, деталлари ва материалларини юқори даражада қурилиш жараёнига тайёргарлик ҳолатида ишлаб чиқариш; қурилиш ишлаб чиқариши ишларининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида бино ва



иншоотларни қуриш, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказишнинг технологик операциялари ва жараёнларини механизациялаштирган тарзда бажариш [4].

Асосий фондларни яратишдан ташқари, капитал қурилиш функцияларига мавжуд асосий фондларни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашлар ҳам киради. Шунинг учун мамлакат иқтисодиёти барча тармоқлари асосий фондларини кенгайтирилган тарзда қайта ишлаб чиқариш ва сифат жиҳатдан янгилаш капитал қурилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Капитал қурилиш соҳасида қурилиш ишларини металллом ва металл конструкциялар, цемент, ёғоч материаллари, қурилиш машиналари, транспорт воситалари, ёқилғи ва энергетика ресурслари билан таъминловчи 70 дан ортиқ миллий иқтисодиёт тармоқлари бевосита ёки билвосита қатнашади. Қурилишда 50 фоиз қурилиш материаллари саноати, 18 фоизга яқин металлпрокат, 40 фоиз ёғоч материаллар, 10 фоиздан ортиқ машинасозлик саноати маҳсулотлари ишлатилади. Қурилиш материаллари, конструкциялари ва техникаларини ташишда амалда барча транспорт турларидан фойдаланилади (автомобиль, темир йўл, дарё, денгиз ва ҳаво транспортлари). Қурилиш сарф-харажатлари таркибида транспорт харажатлари қиймати 20 фоизгача етади.

Мамлакат қурилиш мажмуаси таркибига турли мулк шаклларидаги пудрат ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати корхоналари, механизация, транспорт, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари, лизинг фирмалари, ўқув муассасалари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар киради.

Ушбу ташкилотлар томонидан яратилаётган маҳсулотлар ҳажмининг миллий иқтисодиёт ялпи даромадидаги улуши доимий равишда ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2021 йилда қурилиш тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6,7 % ни ташкил этди [9]. Шунинг қайд этиш керакки, қурилиш тармоғи барча тадбиркорлик тузилмасининг кўпчилик қисми тўғри келадиган хусусий корхоналар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шаклланади. 2021 йил бўйича ушбу ташкилотларга бажарилган ишлар умумий қурилиш ишларининг мос равишда 29685,6 млрд. сўм (27,6 %), 56357,6 млрд. сўм (52,5 %) ва 21404,4 млрд. сўм (19,9 %) тўғри келган [9]. Қурилиш соҳаси мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барқарор ўсишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган соҳалардан ҳисобланади. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2017-2021 йилларда мос равишда 24118, 29112, 36199, 40950 ва 43695 тани ташкил этган. Охириги икки йилда ўсиш суръати 150,1 фоизга ошган. Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони ушбу соҳанинг қуйидаги йўналишлари кесимида қаралганда; бинолар ва иншоотлар қурилиш йўналиши 56,4 фоиз улушни ташкил этиб, ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан 103,6 фоизга ошган; фуқаролик объектларини қуриш йўналиши 9,9 фоиз улушни



ташкил этиб, ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан 113,4 фоизга ошган; ихтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши 33,7 фоиз улушни ва 110,3 фоиз ўсиш суръатини ташкил этди [9]. Қурилиш миллий иқтисодийнинг мустақил алоҳида тармоғи бўлиб, янги асосий фондларни яратиш ҳамда фаолият юргизаётган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қайта қуриш, кенгайтириш, таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш учун мўлжалланган. Қурилиш тармоғининг аҳамияти шундаки, мамлакат миллий иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароит яратиш беради.

Қурилиш ташкилотларининг маҳсулоти сифатида яратилаётган асосий фондларни яратиш жараёнида ишчи ходимлар банд бўлади ҳамда меҳнат воситалари (техника) ва меҳнат предметлари (материаллар) ишлатилади. Қурилиш жараёни асосий элементларининг ўзаро ҳаракати натижасида эса натурал (бино, иншоот ва объектлар) ва қиймат (пул маблағлари) кўринишидаги пировард қурилиш маҳсулоти яратилади.

Қурилиш жараёни учта асосий босқичга ажратилади: 1) қурилишга тайёргарлик ишлари; 2) қурилиш жараёнининг ўзи; 3) тайёр ҳолдаги қурилиш объектини эксплуатацияга топшириш [2]. Қурилишга тайёргарлик ишлари қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: қурилиш объектининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан техникаиқтисодий тадқиқотларни олиб бориш, объектни лойиҳалаштириш ва қурилишга муҳандислик-техник жиҳатдан тайёргарлик кўриш. Техникаиқтисодий тадқиқотлар жараёнида барпо этилаётган объектнинг техникаиқтисодий кўрсаткичлари ва уни қуришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги баҳоланади. Лойиҳалаштириш босқичида объектнинг конструктив-жойлаштириш ечими, уни қуришни ташкил этиш усуллари ва ишларни бажариш технологияси ишлаб чиқилади ҳамда қурилишнинг смета қиймати аниқланади. Ундан кейин қурилишга муҳандислик-техник тайёргарлик кўриш амалга оширилади (таянч геодезик ва қурилиш тўр(сет)ларини ишлаб чиқиш; қурилиш майдони ҳудуди ва транспорт коммуникациялари йўлакчаларини тайёрлаш бўйича ишларни олиб бориш).

Қурилиш майдонида бевосита қурилиш жараёнининг ўзи амалга оширилишида барча технологик элементларнинг бирлашиши содир бўлади, бунинг натижасида эса қурилиш маҳсулоти яратилади ҳамда қурилиш жараёнининг амалдаги жами харажатлари, бино ва иншоотларнинг моддийашёвий элементлари, уларнинг архитектуравий-қурилиш ифодаси ва сифати шаклланади.

Объектлар қурилишининг тугалланиши, уларни тайёр ҳолда эксплуатацияга ҳамда буюртмачиларга асосий фондлар сифатида топширишдан иборатдир.

Қурилиш ишлаб чиқариши жараёнига капитал қўйилмалар доиравий айланишининг қўйидаги учта босқичлари тўғри келади: ишлаб чиқариш – асосий фондларни яратишнинг маҳсулот шакли сифатида;

амалга ошириш (реализация) – қурилиш маҳсулотининг асосий фондларга айланиши шакли сифатида; пул маблағларини келгуси маҳсулотга айлантириш мақсадида такрор ишлаб чиқаришнинг навбатдаги даври(цикли)ни тайёрлаш [3].



Қурилиш жараёнининг иқтисодий моҳияти, уни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар билан ифодаланади. Объектлар барпо этиш борасида қурилиш корхоналарининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харжатлари бир вақтнинг ўзида содир бўладиган ва жорий харажатларга бўлинади.

Бир вақтнинг ўзида содир бўладиган харажатларга қурилиш ташкилотларининг асосий фондларни яратиш ёки сотиб олиш харажатлари ҳамда тугалланмаган қурилиш айланма маблағларидаги моддий захиралар қиймати киради. Жорий харажатлар, бу қурилиш корхонасининг объектларни яратиш билан боғлиқ бевосита ва билвосита барча харажатлари ҳисобланади: иш ҳақи, қурилиш материаллари, амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар. Жорий харажатларнинг умумий йиғиндиси қурилишмонтаж ишларининг таннархини ташкил қилади.

Қурилиш моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бошқа тармоқлардан фарқли равишда қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Тармоқ хусусиятлари, унинг пировард маҳсулоти, меҳнат шароитининг ўзига хослиги, қўлланилаётган техника ва технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва моддий-техника таъминотлар характери билан изоҳланади. Кўрсатилган хусусиятлар умумий ва махсус турларга бўлинади.

Қурилишнинг умумий хусусиятлари қуйидагича:

-қурилиш ишлаб чиқариши ва пировард маҳсулот характериға кўра нотурғун ва вақтинчалик бўлиб, уларнинг бир типда эмаслиги. Объектлар эксплуатацияга топширилиши билан қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ишлаб чиқариш воситалари янги ўзлаштирилган қурилиш жойига кўчирилади. Қурилишда иш жойлари, машина-механизмлар, асбобукуналар, меҳнатнинг техник ва технологик жиҳатдан таъминланганлиги – кўчма, қурилиш маҳсулоти эса – кўчмас ҳисобланади;

-қурилиш жараёни таркибига кирувчи операцияларнинг технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқлиги. Қурилишда қурилиш-монтаж ишлари бошланишига қадар вақтинчалик ишлаб чиқариш, маиший ва маъмурийхўжалик бинолари барпо этилади ҳамда муҳандислик коммуникациялари, йўл, электрузатиш линиялари ва бошқалар ўтказилади. Ушбу ишлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ташкилий ва қўшимча харжатларни талаб қилади. Шу билан биргаликда қурилиш муддатининг узок давомийлиги хўжалик фаолиятидаги айланма маблағларни тугалланмаган қурилишга сарфланишига олиб келади. Қурилишнинг меъеридан ортиқ давом этиши ва кейинчалик технологик жараённинг такомиллашуви янги техника ва технологияларни ҳисобга олган ҳолда, қурилишнинг бориши тўғрисида олдин қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқишга олиб келади. Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси, унинг алоҳида жараёнларининг қатъий кетма-кетликда бажарилишини талаб қилади: битта иш жараёнининг тугалланиши бошқа жараённинг бошланишидан олдин бўлиши керак. Шу билан биргаликда қурилиш жараёнини фазовий жиҳатдан жойлаштириш мумкин эмас, шунингдек ишчи ходимлардан уларнинг ихтисослиги ва малакаларига мувофиқ равишда бир вақтнинг ўзида фойдаланиш тегишли қийинчиликларни туғдиради;



-қурилиш-монтаж ишлари мураккаблиги ва турлари бўйича улар ўртасидаги нисбатнинг нотурғунлиги;

-пировард қурилиш маҳсулотини яратишда турли ташкилотларнинг қатнашуви. Объектлар қурилишида бир вақтнинг ўзида бир неча қурилиш-монтаж ташкилотлари қатнашади. Ушбу ташкилотларнинг ҳар бири қурилиш маҳсулотининг маълум бир қисмларини бажаради. Қурилиш иқтисодиётнинг барча тармоқлари, айниқса саноат билан чамбарчас боғланган. Қурилиш ҳажмининг ошиши, бир томондан уни техник ва технологик жиҳатдан таъминловчи саноат тармоқлари ривожланишига, иккинчи томондан эса миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун пудрат шартномаси асосида қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишига боғлиқдир. Қурилиш ташкилотлари буюртмачилар фаолияти билан мустаҳкам боғланган. Бир қанча тармоқлар қурилишга нисбатан ҳам таъминловчиси, ҳам қурилиш маҳсулотининг истеъмолчиси сифатида фаолият юргизади. Қурилиш материал жиҳатдан кўп маҳсулот талаб қиладиган тармоқ ҳисобланади. Пировард қурилиш маҳсулотини олиш учун мазкур тармоққа 70 тадан ортиқ иқтисодиёт тармоқлари қурилиш материалларини етказиб беради;

-қурилиш ишларида иқлим ва маҳаллий шарт-шароитнинг роли. Қурилишда мавсумийликнинг йўқотилишига қарамасдан, қиш мавсумида ҳам объектлар қурилиши бўйича тадбирларнинг бажарилиши талаб қилинади. Бир хил типдаги биноларнинг турли ҳудудларда қурилиши ҳар хил моддий ресурс харажатларини талаб қиладди. Қурилиш шароити кўпинча ҳудуднинг сейсмик ҳолати, ер рельефи, грунтлар геологик тузилиши, ер ости сувлари мавжудлиги, қурилиш майдонида конструкция ва материалларни етказиш услублари орқали аниқланади [5]. Қурилиш ишчилари саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишчиларига нисбатан кўпинча иқлим шароити таъсирига дуч келади. Ушбу хусусият йилнинг энг қулай даврларига катта кучлар сарфланишини талаб қиладди. Шу сабабдан асосий қурилиш, монтаж ва таъмирлаш-қурилиш ишларига меҳнатнинг меъёрий шарт-шароитидан четга чиқишларни ҳисобга олувчи тузатиш коэффициентлари киритилади.

Қурилишнинг махсус хусусиятлари қурилаётган объектларнинг турлитуманлиги билан боғлиқдир. Улар қуйидагилардан иборат: саноат, уй-жой, ижтимоий-маиший, транспорт, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги, магистрал қувурлар, электрузатиш линиялари. Саноат бинолари қурилиши уларнинг ажратилган жойга тўпланиши ва объектларнинг мураккаблиги билан характерланади. Битта жойдаги ишлар бир йилдан ортиқ олиб борилади. Нисбатан узоқ муддатли саноат объектларини қуриш билан банд бўлган ташкилотларда ишлаб чиқариш воситаларининг кўчиб юриши кам таъсир кўрсатади. Ушбу қурилиш корхоналарида кадрлар таркиби эса бир мунча барқарор ҳисобланади.

Транспорт, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги, магистрал қувурлар ва электрузатиш линиялари объектларини қуриш эса қуйидаги хусусиятларга эга: битта жойдаги ишлар ҳажмининг унчалик катта эмаслиги, бир-биридан ҳар хил масофаларда жойлашган турли объектларда ишларни олиб бориш зарурияти, шунингдек, янги ўзлаштирилган майдонларда у ёки бу объект ва иншоотлар қурилишида ишчи ходимларнинг кўчиб юриши.



Уй-жой ва ижтимоий-маиший объектларни қуриш эса комплекс қурилишлар кетма-кетлиги ва навбатига қатъий риоя қилинганлик билан характерланади. Шунингдек, уй-жой массивлари билан бир қаторда йўл, сув таъминоти тизими, электр таъминоти, иссиқлик тармоғи, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, савдо-сотик, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам қурилиши керак. Ушбу объектларни қуриш талабларига амал қилмаслик санитария ҳамда шаҳар нормалари ва қоидаларининг бузилишига олиб келади. Ижтимоий аҳамиятга молик объектларни барпо этиш қурилиш корхонаси техникаси, асбоб-ускуналар, бригада ва қурилиш иштирокчиларининг доимий равишда кўчиб юриши билан характерланади. Қўшимча вақт, молия ва моддий харажатлар эса қурилиш ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Капитал қурилишда инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида одатда бажарадиган вазифаларига кўра инвестор, буюртмачи, қурувчи, пудратчи ва лойиҳаловчилар иштирок этадилар.

Инвестор – объект қурилишини молиялаштиришни хусусий ёки қарз маблағлар ҳисобига амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвестор инвестиция натижаларини тасарруф қилишга тўлиқ юридик ҳуқуқларга эга. Шунингдек, у инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) жалб қилиш шаклини белгилайди, қурилиш контрактларининг шартларини ишлаб чиқади, инвестиция жараёни иштирокчилари билан бўладиган молиявий-кредит муносабатларини амалга оширади. Инвестор қурилиш маҳсулотининг буюртмачиси, кредитор, харидори бўлади, шунингдек, бевосита қурувчи функциясини бажаради.

Буюртмачи – техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишдан бошлаб, объектни фойдаланишга топшириш ёки объектнинг ишлаб чиқариш қувватига чиқишигача бўлган муддатда объект қурилишининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси функцияларини қабул қилган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

Қурилиш эгаси – қурилиш бўлаётган ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. У буюртмачидан фарқли равишда қурилиш учун ажратилган ер майдонидан узоқ муддатли ижара шартлари асосида фойдаланади.

Пудратчи (бош пудратчи) – пудрат шартномаси ёки контракти асосида объект қурилишини амалга ошираётган қурилиш фирмаси. Бош пудратчи қурилиш натижалари учун шартнома шартларига мувофиқ равишда буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар бўлади. У зарур ҳолларда айрим турдаги ишларни бажариш учун қўйи пудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

Лойиҳаловчи – буюртмачи билан тузилган шартнома асосида у ёки бу объектнинг келгусидаги қурилишини лойиҳаловчи лойиҳалаш ташкилоти ёки шунга ўхшаш бошқа муассаса. Лойиҳаловчи лойиҳа ва унинг асосидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади. Буюртмачи лойиҳада кўзда тутилган ечимларга риоя қилинишини назорат қилиш учун муаллифлик назорати ўрнатади. Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни турли шакл ва усулларда ташкил қилиниши мумкин бўлиб, пудрат усули, хўжалик усули, объектларни “қулфкалит” қилиб топшириш ва сотиш шулар жумласидандир.



Пудрат усулида қурилиш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш соҳасидаги барча пудрат ишларининг тахминан 80 фоиздан ортиғи шу усулда амалга оширилади. Уни амалга ошириш учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик усулида – объектлар қурилиши ёки қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишлари хўжалик субъектларининг корхоналар, ташкилотлар, институтлар ва шу кабиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичикроқ қурилиш объектлари, худудлар ва хоналарни ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари кўпинча шу усулда олиб борилади. Объектларни тўлиқ қуриб битказишга ўтказиш (“қулф-калит” билан топшириш)да буюртмачининг функциялари бош пудратчига берилиб, у қурилишни бошидан бошлайди ва объектни буюртмачига узил-кесил тугалланган ҳолатда топширади. Қурилишнинг бундай усули уй-жой қурилишида жуда кенг тарқалган.

Танловлар – иқтисодиётда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, бунда буюртмачи бирор объектни қуриш ёки лойиҳалаш, асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилаётганлигини очиқ ёки ёпиқ шаклда хабардор қилади ва ҳоҳловчиларни шу танловда иштироқ этишга таклиф қилади. Бунда махсус ҳужжат тайёрланади ва унда танловнинг асосий ғояси, унинг тижорий ва бошқа шартлари кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар мажмуаси “тендер” деб аталади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан ташқари, қурилишнинг ижтимоий меҳнат тақсимооти нуқтаи назаридан ихтисослашув, концентрация, кооперация каби ташкилий шакллари мавжуд. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бу шакллар фақат қурилишда эмас, балки халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, аввало саноатда ҳам қўлланилади. Амалиётдан маълум бўлишича, бу шаклларни моҳирлик билан қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмаларда юқори самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, агар ихтисослашув ва кооперация ҳаражатларнинг камайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига имкон берса, концентрация ва комбинирлаш – хом ашё ва материаллардан комплекс фойдаланишга ҳамда қурилиш соҳасида фан-техника тараққиёти қўламининг янада кенгайишига олиб келади.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутади. Бу тармоқдаги корхоналар цемент, оҳак, гипс, ғишт, шиша, қоплама ва иссиқлик ўтказмайдиган материаллар, турли тўлдирмалар ишлаб чиқаради.

Капитал қурилишда айрим турдаги материаллар истеъмолнинг солиштирма улуши жуда каттадир. Масалан, тахминан 80 фоиз цемент, дераза ойнаси – 50 фоиз, ёғоч материаллар – 35-40 фоиз, қора металллар прокати – 20 фоиз, юмшоқ қоплама материаллар – деярли 70 фоиз истеъмол қилинади. Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан энг тўла таъминаш кўп жиҳатдан тармоқлараро алоқаларнинг мукамаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг халқ хўжалигидаги тақсимоотида акс этади.



Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир қиладиган барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим. Бундай усуллар – масаланинг оптимал ечимини топишга имкон берадиган математик моделлардир. Улардан бири чизиқли дастурлаш бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради.

Қурилишнинг моддий-техник базасини оптимал ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини шакллантиришда, бошқа омиллар билан бир қаторда хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш пунктлари, корхоналарни жойлаштириш мумкин бўлган пунктлар, шу пунктлардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари, транспорт ҳаражатлари ва бошқалар ҳисобга олиниши лозим. Бу ҳолатда масалани оптимал ечиш мезони одатда келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардош бўлиши, айти пайтда корхонани яратиш ва жойлаштиришда (бир марталик ва жорий) ҳаражатларнинг имкон қадар кам бўлишидир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қурилиш индустрияси корхоналари ҳамда қурилиш конструкциялари, деталлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашдир.

Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг асосида қуйидагилар ётиши лозим: қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган, янги, энг тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқиш; бу корхоналарни хом ашё ва материалларни, конструкцияларни ташишнинг ҳамда ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантиришнинг рационал схемаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудида жойлаштиришнинг оптимал вариантларини танлаш; ишлаб турган, биринчи навбатда 20-30 йил ва ундан узоқ муддат ишлаб келаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, бозор муносабатлари шароитида, қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик юритишдаги мустақиллиги кучайиб бораётган бир пайтда, моддий-техник базани ривожлантириш, хўжалик субъектлари, хусусан, субъектлар билан капитал қурилиш соҳасида ишловчи ёки унга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги хўжалик алоқларини кучайтириш масалалари аввалги пайтлардагидек вазирлик ва маҳкамалар томонидан эмас, балки зарур ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кўпроқ қурилиш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ҳал қилинмоқда.

Қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотлари ўзларининг моддий-техника базаларини ривожлантириш орқали ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлабгина қолмай, балки рақобатли муҳитда ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар ҳамда фаолиятлари ҳаёт



циклларини узайтирадилар. Бунда моддий-техник базани ривожлантириш ишлаб чиқаришнинг фақатгина техник ёки моддий таъминотидаги абсолют ўсишидан ёки иқтисодчиларнинг ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг фонд билан таъминланганлиги оширидан иборат бўлиб қолмай, балки унинг устуворлик тамойиллари асосида, максимал самарадорликни таъминлаш тамойили асосида амалга оширилади. Гап шундаки, бозор муносабатлари шароитида корхона ресурсларининг ҳар бир тури олдин режалаштириладиган иқтисодиёт шароитидаги каби Давлат режалаштириш қўмитасининг ёки таъминот қўмитасининг буйруғи асосида эмас, балки хусусий маблағлар ҳисобига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон
2. Бузырёва В.В. Экономика строительства. Учеб.пос.- М.: 2007.
3. Ефименко И.Б., Плотников А.Н. Экономика отрасли (строительство): учеб.пособ. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 359 с.
4. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004. - 28 б.
5. Исамухамедова Ш.А., Давлетов И.Х., Саидов М.С., Бердиева Д.А. Қурилиш иқтисодиёти: Ўқув қўлланма, 1-қисм. - Т.: ТАҚИ, 2011.
6. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени 2015 й. –Т.: ИТМ, 2015. Йиллик статистик тўплам.
7. Ўзбекистон рақамларда 2015. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2016 й.
8. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
9. www.stat.uz “Ўзбекистон Республикасида қурилиш ишлари 2021- йил январь-декабрь”.